

Лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш учун
27- РБ-22/ЙЛ - сонли

ШАРТНОМА

2022 йил 16 май

Қарши шахри

"Қашқадарё вилояти минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати" ДУК "Буюртмачи" тарафнинг тўлиқ номи ва ташкилий-хуқуқий шакли филиали (келгуси ўринларда "Буюртмачи" деб аталади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи "Буюртмачи" тараф директори А.Хақбердиев бир томондан, "Иш бажарувчи" тарафнинг "YO'L-LOYIHA BYUROSI" МЧЖ Қашқадарё вилояти филиали (кейинги ўринларда "Бажарувчи" деб аталади) номидан Низом асосида иш юритувчи "Иш бажарувчи" тарафнинг раҳбари Р.Хазраткулов иккинчи томондан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 марта "2022-2026 Йилларда "Обод кишлок" ва "Обод маҳалла" дастурларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-шахри Заргарлик МФЙ Софдил кўчасини жорий таъмирлаш обьекти лойиха-смета хужжатларини ишлаб чикиш ва тайёрлашни Бажарувчи ўз зиммасига олади.

ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Объекти лойиха-смета хужжатларини ишлаб чикиш бўйича мажлис ўtkазилган (баённома тузилган) санадаги Объекти лойиха-смета хужжатларини ишлаб чикиш бўйича тузилган 2022 йил 12 майдаги баённома ва 79774-сонли лотга асосан "Лойиха-смета хужжатлари тайёрланаётган Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз шахри Заргарлик МФЙ Софдил кўчасини жорий таъмирлаш обьекти лойиха-смета хужжатларини ишлаб чикиш ва тайёрлашни Бажарувчи ўз зиммасига олади.

1.2. Буюртмачи лойиха-смета хужжатларини ишлаб чикиш учун топшириқ бериш, лойиха-смета хужжатларини тузиш учун зарур бўлган дастлабки маълумотларни бериш, бажарилган ишларни кабул килиб олиш белгиланган тартибида амалга оширилади.

1.3. Бажарувчи лойиха-смета хужжатларини амалдаги тартиб-коидалар ва меъёрларга риоя этган ҳолда ишлаб чикиди.

1.4. Бажариладиган ишлар тартиби, амалга ошириш муддатлари қуйидаги тартибида:

- бажариладиган ишлар муддатининг календар режаси - 1-иловага мувофик;
- асослаштирилган келишув баённомаси 2- иловага мувофик;
- лойиха ишларини бажариш сметаси – 3 илова мувофик белгиланади ва ушбу шартноманинг ажралмас кисми хисобланади.

1.5. Бажарувчи шартнома бўйича лойиха-смета хужжатларини ишлаб чикиди. Учинчи шахсни ёллаган ҳолда белгиланган тартибида Буюртмачи ёки Бажарувчи лойиха-смета хужжатларини давлат экспертизасидан ўтказади.

1.6. Бажарувчи лойиха-смета хужжатлари ишлари бўйича давлат ва зарур бўлганда бошка тегишли экспертиза хulosасини олгандан сўнг 10 кун мобайнида 3 (уч) нусхада мазкур лойиха ва кидиув ишлари хужжатларини Буюртмачига тақдим этиши керак.

ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. Буюртмачининг мажбуриятлари:

2.2. Буюртмачи шартномада кўзда тутилган шартлар ва тартиблар асосида тўловни амалга ошириш.

2.3. Тайёр бўлган лойиха-смета амалдаги конунчилик хужжатларига мувофик равишда кабул қилиб олишни таъминлаш мажбуриятини олади.

2.5. Бажарувчининг мажбуриятлари:

2.6. Бажарувчи ишларни техник топшириқ ва келишилган график асосида ўз вактида сифатли бажаришни, Буюртмачи билан бажарилган ишларнинг (босқичларнинг) натижаларини келишиш;

2.7. Объектнинг курилиш-монтаж жараёнида муаллифлик назоратини олиб бориш ишлари амалга ошириши шарт;

2.8. Ушбу шартнома бўйича Бажарувчи ўз мажбуриятларини сифатсиз бажарса, бир ҳафтадан ошмаган муддатда, талаб қилинган сифат даражасида ўз хисобидан қайтадан бажариш мажбуриятини олади.

ИШЛАРНИНГ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Қуйидаги шартлар тўлиқ амалга оширилганда тарафлар имзолангандан шартнома мажбуриятларнинг

бажарилиши бошланган хисобланади.

3.2. Ишлар тугагандан сўнг Бажарувчи буюртмачига ишларни топшириш ва қабул килиш далолатномаси билан 3 нусхада лойиха-смета хужжатлар тўпламини топширади.

3.3. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг руйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

3.4. Агар ишларни бажарилиш жараёнида уни давом эттириш максадга мувофиқ эмаслиги аникланса, томонлар 5 кун муддат ичida уни тўхтатиш бир-бирини хабардор қилиши ва 15 иш кунида ишларни давом эттириш максадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чикиши шарт. Ишларнинг тўхталиши томонлар учун Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида кўзда тутилган оқибатлар ва жавобгарликка олиб келади.

3.5. Томонлардан бири мазкур шартномада кўзда тутилган ишларни тўхтатиш тўғрисида ёзма хабар берган вакт ўзаро хисоб-китоб қилиш вакти хисобланади.

ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ТЎЛОВ ТАРТИБИ

4.1. Шартнома бўйича амалга ошириладиган ишларнинг баҳоси кўшимча қиймат солиги билан **11 550 000** (Ўн бир миллион беш юз эллик минг) сўмни ташкил этади.

4.2. Мазкур объект бўйича тўлов манзилли дастурга тасдиклангандан кейин молиялаштириш манбаи аникланаб, маблаг ажратилгандан сўнг тўлов амалга оширилади.

4.3. Бажарувчи томонидан бажарилган ишлар учун молиялаштириувчи органлар томонидан маблаг молиялаштирилмаган тақдирда "Буюртмачи" тўловни амалга ошира олмайди.

4.4. "Буюртмачи" шартнома имзолангандан сўнг шартнома баҳосининг **15 %** микдорида бўнак (аванс) тўловини амалга оширади.

4.5. Ишлар қиймати узил-кесил хисобланади. Куйидаги ҳолларда:
-ишлар қиймати кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган яъни (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда ва ишлар Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни тарафлар бажармаганда мазкур шартноманинг амалдаги талаблари ва Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатларига мувофиқ, шунингдек шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига мувофиқлиги юзасидан жавоб беради.

5.2. Бажарувчи лойиха-смета хужжатларида камчиликлар учун қурилиш лойиха-смета хужжатларини белгиланган тартибда тасдиклангунга кадар жавоб беради. Лойиха-смета хужжатларида камчиликлар аникланган тақдирда Бажарувчи Буюртмачининг талаби билан лойиха-смета хужжатларини бепул кайта ишлаб чиқади.

5.3. Шартномага томонлар розилиги асосида, ёзма равишда ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

5.4. Мазкур шартнома бўйича низо келиб чиқкан ҳолларда, томонлар келишувига эришмаган тақдирда, қонунларда белгиланган тартибда иктиносидий судга мурожаат қилишга ҳаклиди.

5.5. Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ва ишларни топширилганда шартлашилган ҳаки кечикирилган ҳар бир кун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0,01 фоизи микдорида Бажарувчига пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар кийматининг 10 фоизидан ошмаслиги лозим.

5.6. Бажарувчи томонидан смета хужжатларини тайёрлаш ўз вактида бажарилмай мажбуриятлар бузилган бўлса Бажарувчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0,1 фоизи микдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар кийматининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим.

5.7. Шартнома «Бажарувчи»нинг ташаббуси билан бекор қилингандан, шартнома бекор килингунга кадар бажарилган ишлар учун тўланган маблаг «Бажарувчи»га кайтарилмайди.

5.8. Шартнома муддатидан олдин бекор қилиш таклифини билдирган тараф 10 кун олдин муддатда иккинчи тарафни хабардор қилиши лозим. Бунда тарафлар ўртасида ҳакикатда амалга оширилган ишлар бўйича белгиланган хужжатлар асосида тўлиқ хисоб-китоб қилинган ҳолда амалга оширилади.

Пеня тўлаш

Бажарувчининг бажарилган ишлари ҳажмидан ёки молиявий хисоб-китоблардан аникланган камчиликлар натижасида Буюртмачига кайтариладиган маблаглар ва бошқа тўловлар бўйича мажбуриятларни ўз вактида бажармаса, Буюртмачи ушбу маблагларни молиялаштириш учун ажратилган маблаглар хисобидан чегириб қолиш хукуқига эга.

Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги ыонун хужжатларига мувофиқ белгиланади.

ФОРС-МАЖОР ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

6.1. Тарафлар ихтиёрига боғлик бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч), эпидемия ва х.к. оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафлардан бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар бўлмайди.

6.2. Ушбу шартнома бўйича ёки у билан боғлик ҳолда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган барча низолар ва зиддиятлар музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

6.3. Музокоралар олиб бориш йўли билан зиддиятларни ҳал килишга эришилмаган тақдирда, мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларини ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тутатилиши ва ҳакиқийлиги юзасидан келиб чиқувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар Иктиносидий судда кўриб чиқилади.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

7.1. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлик коррупциявий харакатларни содир килмасликка келишиб оладилар.

7.2. Тарафлар шартномадаги коррупцияга карши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

7.3. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлик муносабатлар юзасидан конунга хилоф равища пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошка моддий қийматликлар олинишига йўл кўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини уларни беришга ваъда килинмаганлигини, шунингдек моддий ёки хар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги харакатларни амалга ошириши мумкинлиги ҳакида таассурот колдирилмаганлигини) кафолатлайди.

Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб килинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошка шахсларнинг) юкоридаги харакатларни содир этмаслиги юзасидан окилона чоралар кўради.

7.4. Тарафлар давлат хизматчилари, сиёсий партиялар, шунингдек ўзининг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимдари томонидан хар қандай вакт ва шаклда кўйидаги харакатларни бевосита ёки билвосита (шу жумладан, учинчи шахслар оркали) содир этилишига йўл кўймайди:

а) назорат килювчи органлардан лицензия ва рухсатномалар олиш, солик солиш, божхона расмийлаштирувани амалга ошириш, судда иш кўрилиши, конунчилик жараённи ва бошка соҳаларда конунга хилоф равища тижорат ёки бошка тусдаги устунликка эга бўлиш ёки саклаб қолиш мақсадида юкоридаги шахслар фойдасига ёки улар томонидан моддий ёки номоддий наф олишнинг тақлиф этилиши, ваъда килиниши, берилишига;

б) конунга хилоф равища олинган даромадларнинг легаллаштирилишига, шунингдек, агар мулк жиноий фаолиятдан олинган даромад эканлиги тарафларга маълум бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига конуний тус бериш, бундай пул маблаглари ёки бошка мол мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини, тасаруф этиш кўччириш усулини, пул маблагларига ёки бошка мол-мулкка бўлган ҳакиқий эгалик хукукларини ёки унинг кимга карашлилигини яширишга;

в) коррупцияга оид хукукбузарлик содир қилиш учун таъмагирлик килиш, ундаш, тазиик ўтказиш ёки таҳдид килиш. Ушбу ҳолат бўйича бир тараф иккинчи тарафни ҳамда ваколатли давлат органларини дархол хабарлор килиши шарт.

7.5. Тарафлар товарлар, хизмат ва ишларни реализация қилиш ва ўтказишда, битимлар тузиш бўйича музокаралар олиб борища, лицензия, рухсатномалар ва бошка рухсат этиш хусусиятига эга бўлган ҳужжатларни олишда ёки уларнинг манфаатларини кўзлаб бошка харакатларни амалга оширувчи тарафларнинг ҳужжатларни олишда ёки уларнинг манфаатларини кўзлаб бошка харакатларни амалга оширувчи тарафларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан харакат қиладиган шахсларга (шу жумладан, ёрдамчи пудратчилар, агентлар, савдо вакиллари, дистрибутерлар, хукукшунослар, хисобчилар, улар номидан харакат қилувчи бошка вакилларга) нисбатан кўйидаги харакатларни амалга ошириши шарт:

-коррупциявий харакатларга йўл кўйиб бўлмаслиги ва коррупциявий харакатларга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиши шартлиги ҳакида кўрсатмалар ва тушунтиришлар бериш;

-улардан коррупциявий харакатларни амалга ошириш учун воситачи сифатида фойдаланмаслик;

-уларни факат тарафнинг оддий кундалик фаолияти жараёндаги ишлаб чиқариш зарурияти доирасидан келиб чиқиб ишга жалб килиш;

-уларга конунчилик доирасида амалга оширган хизматлари учун белгиланган ҳақ миқдоридан асосиз равища ортиқча тўловларни амалга оширмаслик.

7.6. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан харакат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги ҳолатлари ҳакида хабар берилганлиги учун уларга тазиик ўтказилмаслигини кафолатлайдилар.

7.7. Агар бир тарафга бошка тарафнинг коррупцияга қарши қўшимча шартларнинг 4 ва 5-бандларида белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл кўйганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу хам зудлик билан хабарлор килиши ва ушбу тарафдан окилона муддат ичидаги тегишли чоралар кўрилишини ва амалга


оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт. Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан коидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичидаги чоралар кўрилмаган ёки кўриб чиқиш натижалари хакида хабардор қилмаган тақдирда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда заарни тўлил қоплаб беришни талаб қилишга хакли.

ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА УНГА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

8.1. Ушбу шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва у ўз зиммасига олинган мажбуриятларни тўлил бажаргунга кадар амал қиласди.

8.2. Ушбу шартнома бўйича тўлов манзиллий дастурига киритилиб, ушбу обьект бўйича ҳисоб раками очилганидан кейин, ҳисоб ракамига маблағ ажратилгандан сўнг тўловлар амалга оширилади.

ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛИ ВА ҲИСОБ РАҶАМЛАРИ

Буюртмачи:	«Иш бажарувчи»
Қашқадарё Минтақавий йулларга буюртмачи хизмати ДУК Манзили: Карши шаҳри Ҳонобод қўчаси 23-үй Тел: 224-16-75 Факс: 224-16-98	Корхона номи: YO'L-LOYIHA BYUROSI" МЧЖ Қашқадарё вилояти филиали Манзили: 100000, Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани Мустақиллик шоҳ қўчаси, 68А -үй, Қарши ш.хонобод қўчаси 23 үй Тел: Тел: (0371) 237-38-55, 237-36-69 СТИР: 300112785 ОКЭД: 71110
ИНН: 304 934 733 ОКЭД: 71110 Ш.х/р: 304521860104017045129118794	Банк: АТИБ "Ипотека банк" Яшнобод филиали МФО: 00959 Х/р: 2020 8000 8040 1094 1001
Тошкент ш. Марказий банк ББХКМ Молия Вазирлиги Фазначилиги МФО:00014 ИНН 201 122 919 Х/Р: 234 020 003 001 000 010 10	Директор: Р.Хазраткулов
Директор:  Бош юрисконсульт: 	Директор:  Юрисконсульт

Бош юрисконсульт:

А.Хакбердиев

Ф.Марданов

Директор:

Р.Хазраткулов

Юрисконсульт

